3. Деятельность иностранных банков охарактеризовано следующими признаками:

это исключительный вид коммерческой (предпринимательской) деятельности;

это специфическая форма участия иностранного капитала в банковском секторе;

это деятельность иностранных юридических лиц;

это деятельность иностранного банка, осуществляемая на территории другого государства в различных формах.

4. Теоретическое понятие иностранных банков складывается из трех взаимосвязанных понятий – нерезидент, юридическое лицо и коммерческая цель.

Исходя из анализа понятий иностраный банк и деятельность иностранного банка, разработаны следующие определения:

иностраный банк – коммерческая организация, учрежденная и

зарегистрированная на территории иностранного государства, признаваемая в этом государстве в качестве банка;

деятельность иностранных банков – это деятельность банка-нерезидента на территории Республики Узбекистан, включающая непосредственно банковскую деятельность, а также участие в банковской системе путем создания дочернего банка или открытия аккредитованных представительств.

5. На основе анализа юридической литературы выделены три концептуальных подхода к определению понятия и статуса иностранных банков – корпоративный, транснациональный и инвестиционный подходы. При этом выявлено, что инвестиционный подход является весьма перспективным и может быть имплементирован в банковское законодательство Узбекистана, так как в большей степени отражает гражданско-правовой статус иностранных банков.

6. На основании содержания статьи 1175 ГК Республики Узбекистан доказано, что личным законом иностранных банков на территории Республики Узбекистан является законодательство Республики Узбекистан с учетом места учреждения данных банков. Следовательно, на территории Республики Узбекистан в отношении иностранных юридических лиц, в частности для иностранных банков в Республике Узбекистан применяется теория инкорпорации.

7. Для реализации защиты прав и интересов иностранных банков обоснована целесообразность включения в Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» в новой редакции норму, согласно которой решение об отзыве лицензии передается от Центрального банка Республики Узбекистан к суду.

8. Деятельность иностранных банков в Республике Узбекистан представляет собой деятельность иностранных банков, осуществляемая на территории Республики Узбекистан посредством участия в банковской системе путем учреждения дочернего банка, участия в уставном капитале банка-резидента (банка с участием иностранного капитала) и аккредитованных представительств в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

9. В отношении создания иностранных банков и открытия их аккредитованных представительств в Республике Узбекистан, проанализировано банковское законодательство, которое разделено на две большие группы:

а) общие нормативные акты, которые имеют опосредованное отношение к деятельности иностранных банков и их аккредитованных представительств;

б) специальные нормативные акты, которые посвящены вопросам правового регулирования деятельности иностранных банков и их аккредитованных представительств.

10. Банковское законодательство не предусматривает определенные исключения в общих правилах касательно порядка регистрации и лицензирования (принятие учредительных документов – учредительного договора, устава, формирование уставного капитала – 100 миллиардов сум, обращение с заявлением о регистрации и лицензировании банка в ЦБ Республики Узбекистан), однако имеются следующие условия и требования к созданию иностранных банков:

учредителями иностранного банка являются иностранные банки, имеющие

высокие кредитные и финансовые показатели по классификации агентств IBCA, Moody's или Standart and Poor's;

учредителями банков с участием иностранного капитала являются иностранные физические и юридические лица (один из инвесторов должен быть иностранным юридическим лицом), доля которых не должна быть менее пятнадцати процентов.

Банк получает свой статус именно с момента получения лицензии и государственной регистрации. Поэтому можно отметить, что юридическое лицо приобретает статус банка после получения лицензии и государственной регистрации. В силу этого моментом возникновения правоспособности юридического лица в виде банка является момент получения лицензии. В связи с этим необходимо внести в статью 41 ГК Республики Узбекистан норму следующего содержания:

«Правоспособность юридического лица в сфере деятельности, на занятие которой необходимо получение специального разрешения (лицензии), возникает с момента получения такого разрешения и прекращается в момент его изъятия, истечения срока действия или признания недействительным в порядке, предусмотренном законодательством».

11. Для развития банковского законодательства в части участия иностранного капитала, на наш взгляд, следует:

во-первых, учитывая различие терминологий в банковском законодательстве, следует внести в Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности норму касательно форм участия иностранных банков в банковской сфере Республики Узбекистан;

во-вторых, предусмотреть применение инвестиционного законодательства в отношении банков с участием иностранного капитала, что будет способствовать развитию банковской сферы, привлечению иностранных инвесторов в банковский сектор;

в-третьих, совершенствовать деятельность аккредитованных представительств посредством увеличения срока аккредитации с трех до пяти лет, а также представления преимущества при создании банка с иностранным капиталом.

12. Условно договорно-правовое регулирование деятельности иностранных банков в Республике Узбекистан целесообразно характеризовать со следующих позиций:

договорное регулирование создания иностранных банков;

договорное регулирование отношений, непосредственно возникающих при осуществлении деятельности иностранных банков.

13. Обосновано, что учредительный документ и устав являются договорами:

- учреждающими иностранный банк и наделяющими его организационно-правовым статусом акционерного общества;

- выступающими в роли юридического факта возникновения гражданско-правового статуса иностранных банков;

При этом, в случае несоответствия положений учредительного договора и устава применяются нормы устава иностранного банка.

14. Концептуально обосновано, что договорно-правовое регулирование отношений, непосредственно возникающих при осуществлении деятельности иностранных банков, характеризуется следующими признаками:

наличие специального субъекта договорных правоотношений – коммерческих банков, а именно иностранных банков;

сочетание публично-правового и частноправового регулятора при регулировании отношений;

разносторонность содержания договоров иностранных банков;

наличие иностранного элемента в договорных отношениях.

15. Анализ зарубежного опыта правового регулирования деятельности иностранных банков позволяет сделать следующие выводы:

- практически все страны предусматривают в качестве иностранных банков дочерние банки, учрежденные иностранными инвесторами (лишь Законы Республики Узбекистан и Украины акцентируют внимание на создание дочерних банков со стороны иностранных банков);

- законодательство связывает установление и признание иностранного банка в качестве такового по законодательству той страны, в которой этот банк был зарегистрирован, тем самым применимым правом к определению статуса иностранного банка является право страны, где был зарегистрирован иностранный банк;

- законодательство стран СНГ отождествляет банковскую деятельность иностранных банков с аналогичной деятельностью отечественных банков (привлечение депозитов физических и юридических лиц или других возвратных средств, выдача кредитов от своего имени и за счет своих средств, а также осуществление переводных и расчетно-кассовых операций по поручению клиентов).

16. В законодательстве Республики Узбекистан необходимо предусмотреть определение банковских услуг, под которым следует понимать услуги, предоставляемые коммерческими банками, связанные с проведением банковских операций в рамках осуществления банковской деятельности в соответствии с законодательством. Также необходимо закрепить качественные характеристики информации, предоставляемой в ходе оказания банковских услуг – доступность, полнота и разнообразность, существенность и своевременность, достоверность и сопоставимость.

17. Учитывая возросшее количество иностранных инвесторов и других хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность на территории Республики Узбекистан, будет увеличиваться уровень банковского обслуживания указанных субъектов. Тем самым возникает необходимость составления договоров об оказании банковских услуг с иностранными потребителями (иностранцами инвесторами). Поэтому, следует указать на возможность составления текста договоров на двух языках, в том числе на иностранном языке, в случае необходимости, а также разработать и утвердить типовую форму такого договора. В свою очередь, это позволит обеспечить доступность коммерческих банков для иностранных потребителей.

18. Исходя из анализа положений Базельских принципов банковского надзора, доказано, что необходимо внесение в банковское законодательство

норм следующего содержания:

- предоставление возможности иностранным банкам открывать свои филиалы на территории Республики Узбекистан на основании разрешения Центрального банка Республики Узбекистан;

- установление необходимости получения предварительного разрешения органа банковского надзора страны, в котором осуществляет деятельность иностранный банк, при выдаче лицензии дочернему банку иностранного банка на территории Республики Узбекистан.

19. На основе критического анализа устава иностранного банка выявлена и обоснована необходимость включения в устав иностранного банка нормы о разрешении споров между иностранным банком и другим владельцем доли в уставном капитале или Центральным банком Республики Узбекистан.

20. Обосновано, что иностранный банк как субъект инвестиционных отношений обладает следующими признаками:

во-первых, иностранные банки являются основным «перевозчиком» финансовых средств, так как во многих случаях иностранные инвесторы осуществляют инвестирование через иностранные банки;

во-вторых, иностранные банки выступают в качестве финансового регулятора при инвестиционных отношениях (предоставление кредитов, осуществление банковских и валютных операций и т.д.);

в-третьих, в определенных случаях иностранные банки также могут являться субъектом инвестирования (создание дочерних банков на территории другой страны). В этом случае иностранный банк может выступать в качестве результата инвестиционной деятельности.

21. В Законе Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» следует предусмотреть норму, согласно которой «дополнительные требования к учреждению и деятельности банков с участием иностранного капитала не применяются в отношении иностранных банков, которые имеют аккредитованные представительства на территории Республики Узбекистан».

22. Основными направлениями совершенствования деятельности иностранных банков являются систематизация и гармонизация банковского законодательства Республики Узбекистан, совершенствование правового статуса иностранных банков в Республике Узбекистан, правового регулирования новейших банковских услуг с учетом внедрения инноваций и современных информационно-коммуникационных технологий. Вышеуказанные направления должны быть рассмотрены комплексно, что требует принятия соответствующей Концепции развития банковского законодательства, реализация которой обеспечить решение существующих правовых проблем и создание правовых гарантий совершенствования банковской системы.

Все это позволит повысить эффективность правового регулирования деятельности иностранных банков в Республике Узбекистан, послужит привлечению иностранных инвестиций в банковский сектор, а также росту экономики страны.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАЕВ ШОХЖАХОН АКМАЛЖОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ БАНКЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Үу194 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Батыр Билялович
юридик фанлар доктори, профессор

Имамова Дилфуза Исмаиловна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «5» сентябрдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (880 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил «22» август куни тарқатилди.
(2019 йил 22 августдаги 4-рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Т. Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.Ф. Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий ва савдо муносабатларининг ривожланиши молиявий маблағлар ҳамда пул капиталининг жадал ўсишига олиб келди. Мазкур жараёнда мамлакат иқтисодиётининг харакатлантирувчи механизми ҳисобланадиган банклар муҳим ўрин эгаллайди. Айнан тижорат банклари бозор иқтисодиётининг ривожлантирувчи кучи, инвестиция лойиҳаларининг фаол иштирокчиси саналади. Шу сабабли дунёда банклар сони ортиб, уларнинг фаолияти бир мамлакатнинг доираси билан чегараланмайди. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда АҚШда 5256 та, Хитойда 798 та, Россия Федерациясида 622 та, Буюк Британияда 301 та, Швейцарияда 247 та¹, Ўзбекистонда 29 та банк фаолият юритмоқда. Буларнинг барчаси банклар фаолиятини самарали тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда банк тизими интеграциясини таъминлаш, хорижий банклар мавқесини мустаҳкамлаш, уларнинг чет эл мамлакатлари миллий банк тизимидаги иштирокини фаоллаштириш, хорижий банкларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини инобатга олиб уларнинг фаолиятига нисбатан зарур ҳуқуқий имтиёз ёки чекловларни ўрнатиш, банк тизимида чет эл капитали иштирокининг самарадорлигини ошириш, банклар фаолиятининг трансмиллий корхона сифатида тадқиқ этиш, банк тизимида инвестицияларни жалб этиш, хорижий банкларнинг инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда банк тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»² иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, мазкур соҳани тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (1995), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (1996) қонунлари, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998), «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (2014) қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ <https://myfin.by>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдантакомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ–4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш нафақат миллий, балки дунё фуқаролик-ҳуқуқий фанининг янги йўналиши ҳисобланади. Мамлакатимизда банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий жиҳатлари О.Окюлов, Б.Б.Самарходжаев, С.С.Гулямов, Д.М.Караходжаева, И.Р.Рустамбеков, Т.Т.Мадумаров, Д.Ж.Суюнова, Ж.И.Юлдашев, А.А.Ананин ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Банкларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганишга Е.Ю.Грачева, В.В.Ершов, Н.Ю.Ерпылева, Л.Г.Ефимова, С.С.Занковский, М.Н.Илюшина, Н.И.Косяков, Н.В.Козлов, В.В.Кулаков, В.В.Лаптев, Е.Б.Лаутс, Н.И.Михайлов, Е.Н.Пастушенко, В.Ф.Попондопуло, С.В.Пыхтина, Г.Ф.Ручкина, Е.А.Суханов, Г.А.Тосунян ва бошқалар ўз илмий ишларини бағишлаганлар.

Ғарб олимлари орасида банклар фаолиятини ва хорижий капиталнинг банк тизимидаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Barth James, Caprio Gerard, Levine Ross, Iris H.-Y. Chiu, Michael McKee, Anna P. Donovan, Rod Edmunds, Andreas Kokkinis, John Lowry, Marc T. Moore, Arad Reisberg, Geoffrey Yeowart, Robin Parsons, Edward Murray, Hamish Patrick, Danthine Jean-Pierre, Giacazzi Francesco, Vives Xavier, Ernest-Ludwig von Thadden, Dragomir Larisa¹ каби олим ва мутахассислар томонидан ўрганилган.

Республикамызда Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

бўйича алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий банклар фаолияти тушунчаси, принциплари ва моҳиятига тавсиф бериш;

хорижий банк ва хорижий банк фаолияти тушунчаларига бўлган назарий-ҳуқуқий ёндашувларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини қонуний ва шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ёритиш;

хорижий банклар фаолиятини тартибга солувчи ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш;

хорижий банкларнинг банк хизматлари бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш;

инвестиция муносабатлари субъекти сифатида хорижий банклар фаолиятини ўрганиш;

банк қонунчилигини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш ва тугатишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг умумфан ва махсус усулларидан, яъни тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-анализ, мантикий-юридик ва бошқа

усулларидан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хорижий банклар ва банк мижозлари ўртасида тузиладиган шартномалар аниқ ва содда тарзда баён этилиши зарурлиги бўйича талаб асослантирилган;

хорижий банклар томонидан банк хизматлари истеъмолчиларига кўрсатиладиган хизматларнинг тўлиқ ва тўғри тушунтирилиши бўйича мажбурияти мустаҳкамланиши лозимлиги асосланган;

банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган минимал талабларга риоя этмаганлиги учун хорижий банкларнинг жавобгар бўлиши зарурлиги асосланган;

хорижий банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий компаниялар фаолиятини молиялаштирилиш йўли билан инвестиция воситачиси сифатида иштирок этиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хорижий банкларнинг Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштироки жараёнида уларга барча инвестицион кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши зарурлиги исботланган;

инвестиция лойиҳаларида бошқа ташкилотлар, хусусан, хорижий банклар билан иш ва шартнома муносабатларига нисбатан махфий маълумот режимининг қўлланилиши асослантирилган;

пул маблағларини хорижий банкларга омонат сифатида қўйишда тузиладиган битимга нисбатан *lex loci actus* коллизия нормасини татбиқ қилиш лозимлиги асослантирилган;

мамлакатда хорижий банклар фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

банк секторида хорижий капитал иштирокининг ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш асосида аккредитация тартибини либераллаштириш, унинг муддатини ошириш ва чет эл капитали иштирокидаги банкни очишда аккредитациядан ўтган ваколатхонага эга бўлган банкларга имтиёз бериш орқали аккредитациядан ўтган ваколатхоналарнинг мақомини ошириш зарурлиги исботланган;

хорижий банклар фаолиятини тартибга солишда банк фаолияти соҳасидаги қонунчилик билан бирга инвестиция қонунчилиги нормалари қўлланилиши лозимлиги, бу эса банк секторига инвестицияларни жалб этиш самарадорлигининг оширилишини таъминлаши асослантирилган;

хорижий банклар мавқесини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг лицензиясини тўхтатиш ва ундан маҳрум қилишнинг суд тартибини жорий этиш зарурати асослантирилган;

хорижий банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш қисмида Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигини уйғунлаштириш ва тизимлаштириш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган, бундан ташқари хулосалар социологик тадқиқотларнинг статистик маълумотларни таҳлили натижаларини умумлаштириш шакли орқали амалий жиҳатдан асослантирилган, шунингдек олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган..

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги фуқаролик ва банк қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, банк фаолиятида ҳамда банк ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи, молия ҳуқуқи каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида хорижий банклар, уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни, банкнинг миқдорлар билан шартномавий муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, банк ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи, молия ҳуқуқи фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

хорижий банклар томонидан банк хизматларини кўрсатиш ҳақидаги шартномаларнинг матни истеъмолчилар тушуниши учун аниқ ва содда тарзда баён этилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сонли қарори билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомнинг 3-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 30 майдаги 26-18/209-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хорижий банклар томонидан банк хизматларини кўрсатишга оид тузиладиган шартномаларнинг оммабоплигини оширишга хизмат қилган;

хорижий банклар томонидан истеъмолчиларга банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ ва тўғри тушунтирилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сонли қарори билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат

банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомнинг 8-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 30 майдаги 26-18/209-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хорижий банклар томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг сифатини оширишга хизмат қилган;

хорижий банклар банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низом талабларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сонли қарори билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомнинг 6-бобида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 30 майдаги 26-18/209-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хорижий банкларнинг банк хизматлари мижозлари билан муносабатларида масъулиятини оширишга ва тегишли жавобгарлик чораларини белгилашга хизмат қилган;

хорижий компанияларга тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишидаши молиявий маблағларни, хусусан хорижий банкларнинг иштирокида тақдим этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимияти ва «Sejin G&E Co., Ltd» (Жанубий Корея) компанияси ўртасидаги 2018 йил 14 майдаги ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумининг 2-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 02-01/8-1343-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хорижий банкларнинг инвестицияларни жалб этишда, уларнинг хорижий компаниялар фаолиятини молиялаштиришда иштирокини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 9 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси,

диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асослари таҳлил қилинган бўлиб, унда хорижий банклар фаолияти тушунчаси, принциплари ва моҳияти, хорижий банк ва хорижий банклар фаолияти тушунчаларига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувлар, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши масалалари ёритилган.

Диссертант томонидан қайд этилганидек, ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларининг жадаллашиши давлатларнинг миллий иқтисодиётига чет эл капитали кириб келишининг ортишига сабаб бўлиб, банк хизматларига нисбатан эҳтиёжларнинг ўсишига олиб келди. Ўз навбатида, банк хизматлари тармоғининг ортиши ва банк фаолиятининг трансмиллий тусга эга бўлиши банк тизимида чет эл капиталини ортишига, шунингдек хорижий банкларнинг бошқа мамлакатлар ҳудудида ўз фаолиятини олиб боришга манфаатдорлигига сабаб бўлди.

Муаллиф томонидан тижорат, шу жумладан хорижий банкнинг фаолияти принциплари сифатида аниқ мавжуд бўлган захиралар доирасида фаолият юритиш, фаолиятнинг тадбиркорлик моҳияти, иқтисодий мустақиллик ва банкларга нисбатан эгри иқтисодий тартибга солиш усуллари кўллаш кўрсатиб ўтилган.

Диссертацияда банклар фаолиятини тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари қуйидаги масалаларда намоён бўлиши таъкидлаб ўтилган:

а) банк фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланиб, ўз моҳиятига кўра тижорат банки тадбиркор бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш юзасидан иштирокчиларнинг ёки улар иштирокидаги ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасига киради;

б) банк фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланади: банк ашёлар қаторига кирмасдан, мулк мажмуаси саналади, ўз навбатида, банк фуқаролик-ҳуқуқий объекти – корхона ҳисобланади;

в) банклар фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш фуқаролик қонунчилигининг умумий нормаларига асосланади: Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 41–44, 53-моддалари банкларнинг пайдо бўлиши, таъсис ҳужжатлари ва уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қоидаларни белгилайди;

г) тижорат банкларининг ўз мижозлари билан муносабатлари шартномавий тусга эга бўлади. Шу билан бир қаторда мижозлар (ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланганидек «банк хизматлари истеъмолчилари») билан ўзаро муносабатларда қонунчилик

банк фаолиятига нисбатан қатъий талабларни белгилайди.

Принципларнинг таҳлили асосида муаллиф томонидан банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назаридан тавсифловчи асосий белгилар қайд этилди: хорижий банк фаолияти бу – тижорат (тадбиркорлик) фаолиятининг алоҳида кўриниши, чет эл капиталини банк тизимидаги иштирокининг ўзига хос шакли, чет эл юридик шахсларининг фаолияти, банкнинг бошқа мамлакат ҳудудида турли шаклларда амалга ошириладиган фаолияти.

Юридик адабиётларни таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан хорижий банк тушунчаси ва мақомига нисбатан турли ёндашувлар аниқланиб, улар уч гуруҳга бирлаштирилди:

1. Корпоратив ёндашув.

Мазкур ёндашув кенг тарқалган бўлиб (С.С.Гулямов, Л.Г.Ефимова, С.С.Занковский, М.Н.Илюшина), хорижий банкларни акциядорлик жамияти – тижорат юридик шахси сифатида кўриб чиқилишини назарда тутди. Мазкур ёндашув тарафдорлари хорижий банкларни чет эл капиталининг ўзига хос иштироки мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг алоҳида кўриниши сифатида таърифлайдилар. Бунда мазкур ёндашувнинг афзаллиги хорижий банклар фаолиятининг самарали корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган корхона сифатидида атрофлича кўриб чиқилишида намоён бўлади.

2. Трансмиллий ёндашув.

Мазкур ёндашувнинг тарафдорлари М.М.Камалов, В.И.Смагина, Е.Ю.Грачева, В.В.Ершов, Н.Ю.Ерпылева ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур ёндашувга асосан хорижий банклар трансмиллий корпорация сифатида таърифланади. Трансмиллий ёндашувга кўра хорижий банклар хорижий банк ва унинг чет элдаги шўъба банкидан иборат юридик шахслар мажмуаси ёки гуруҳи сифатида кўриб чиқилади.

3. Инвестициявий ёндашув.

Мазкур ёндашувга биноан (Б.Б.Самарходжаев, Р.З.Юсупов, Е.А.Карагулян) банклар инвестиция қонунчилиги кўриб чиқилади. Мазкур ёндашувга асосан хорижий банкларнинг миллий банк секторидаги иштироки инвестиция киритиш шакли сифатида кўриб чиқилиши лозим. Инвестициявий ёндашув хорижий банкни устав капитали инвестиция киритиш объекти ҳисобланадиган банк сифатида таърифлашни назарда тутди.

Диссертация давомида ўтказилган таҳлил асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида банк қонунчилигини ривожлантириш тарихи уч босқич билан тавсифланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган:

1-босқич 1991 йилдан 1996 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқич 1991 йил 15 февралдаги 205–ХП-сон «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши билан бошланади. Ушбу босқич банкларни пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса сифатида аниқланиши билан тавсифланади.

2-босқич 1996 йилдан 2017 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мазкур босқич 1996 йил 25 апрелдаги 216–I-сон «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниши билан бошланади. Мазкур босқичда қонунчиликда банк тижорат ташкилот сифатида белгиланилиб, чет эл банки тушунчаси, уларга нисбатан қуйиладиган талаблар киритилиб, хорижий банклар ваколатхоналари аккредитациядан ўтиши лозимлиги белгиланди.

3-босқич 2017 йилдан бошланган муддатни ўз ичига олади. Мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши билан бошланиб, қарорда иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида банк тизимини ривожлантириш, аҳолининг банк тизимига ишончли институтчионал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш, банк хизматлари истеъмолчарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий очиқлигини ҳамда молиявий саводхонлиги даражасини ошириш истиқболлари белгиланди.

Диссертациянинг «**Хорижий банкларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва уларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикасида тартибга солиш**» номли иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарини ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини қонунчилик билан ва шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари таҳлил қилиниб, хорижий банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий тажриба ўрганилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида хорижий банкларни ташкил этиш ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарини ташкил этиш масалаларидан келиб чиқиб, банк қонунчилигини икки катта гуруҳга бўлиш мумкинлиги аниқланди:

1) хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарининг фаолиятига билвосита алоқадор умумий тусдаги норматив ҳужжатлар;

2) хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарининг фаолияти масалаларига бағишланган махсус тусдаги норматив ҳужжатлар.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарининг фаолиятини тартибга солувчи банк ҳуқуқи манбаларининг аксариятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этиши, бу эса банк тизими ҳуқуқий тартибга солинишининг идоравий тусга мансуб эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Муаллиф хорижий банклар фаолияти ва хорижий банкларни ташкил этиш масалалари фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланишини қайд этган. Муаллифлик фикрини асослантириш мақсадида фуқаролик ҳуқуқи предметиға оид қатор олимлар (Х.Р.Раҳманкулов,

И.Б.Закиров, Д.М.Караходжаева, С.С.Гулямов, А.П.Анисимов и А.Я.Рыженков) фикри келтирилган бўлиб, нафақат банкларнинг мулкый (шартномавий ва мажбурият муносабатлари) муносабатлари, балки хорижий банкларни ташкил этиш масалалари ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши белгиланган.

Диссертант хорижий банкларни ташкил этиш икки босқичда амалга оширилишини кўрсатиб ўтган:

биринчи босқич юридик шахсларни ташкил этиш ва таъсис ҳужжатларини қабул қилишни ўз ичига олади;

иккинчи босқич лицензиялаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни назарда тутди.

Муаллиф қайд этганидек, банк қонунчилиги банкларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тартибига оид қоидалардан истисноларни белгиламайди (таъсис ҳужжатларини – таъсис ҳужжати, уставни қабул қилиш, устав капиталини – 100 миллиард сўмни шакллантириш, банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилиш), бироқ хорижий банкларни ташкил этишга оид қуйидаги шартлар ва талаблар мавжуд:

1. Хорижий банкнинг муассиси Fitch Ratings, Moody's ёки Standart and Poog's агентликларининг таснифлари бўйича юқори кредит ва молия кўрсаткичларига эга бўлган чет эл банклари ҳисобланади.

2. Чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг муассиси чет эл жисмоний ва юридик шахслар (инвесторлардан бири чет эл юридик шахси бўлиши зарур) ҳисобланади, уларнинг улуши ўн беш фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Диссертант томонидан банклар, қоида тариқасида, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши таъкидлаб ўтилган. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом акциядорлик жамиятлари тарзида ташкил этиладиган тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, фақат хорижий инвесторнинг устав капиталдаги иштироки улуши 15 фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина ташкил қилиниши мумкин назарда тутди. Банк қонунчилигида «инвесторлар» атамаси қўлланилишини инобатга олиб, муаллиф томонидан банкни ташкил этиш тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлмаган қисмида инвестиция қонунчилигини банкларга нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган. Бу банк тизимига чет эл капиталини жалб этишнинг кўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратишга, хорижий банклар фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Банкларнинг ҳуқуқий лаёқати масаласини кўриб чиқиб, муаллиф банк ўз мақомига лицензия олиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши натижасида эга бўлишини қайд этган. Шу сабабли, айтиш мумкинки, юридик шахс банк мақомига лицензия олганидан ва давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг эга бўлади. Демак, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатининг вужудга келиши вақти

лицензия олиш вақти ҳисобланади. Шуларни инобатга олиб, муаллиф Ўзбекистон Республикаси ФК 41-моддасига амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) олиниши талаб этиладиган фаолият тури соҳасида юридик шахснинг ҳуқуқий лаёқати мазкур махсус рухсатнома (лицензия)ни олганидан сўнг вужудга келиши тўғрисидаги нормани киритишни таклиф этган.

Муаллиф таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги нормаларига асосан хорижий банклар фаолиятини тугатиш икки усулда – хорижий банкка тегишли капитални сотиш орқали ёки лицензия муддати тугаши муносабати билан амалга оширилади. Капитални сотиш қисмида, диссертантнинг фикрича, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, хорижий банк мулк мажмуаси ҳисобланиб, бунинг оқибатида унинг алоҳида қисмлари билан битим тузиш мумкин эмас;

иккинчидан, банкларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муомала лаёқати чекланган ҳисобланади, чунки банк фуқаролик муомаласининг фақат айрим иштирокчисига – бошқа банкка, яъни банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсга сотилиши мумкин.

Муаллиф қайд этганидек, қонунчиликда хорижий банкларни ташкил этиш, хорижий банкларнинг ваколатхоналарини очиш ва уларни аккредитациядан ўтказишга нисбатан қатъий талаблар назарда тутилган бўлиб, бу миллий банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида хорижий банкларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишини шартли равишда қуйидаги позициялар орқали тавсифлаш мумкин:

хорижий банкларни ташкил этишнинг шартномавий тартибга солиниши;

хорижий банклар фаолиятини бевосита амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларнинг шартномавий тартибга солиниши.

Банкнинг таъсис шартномаси ва устави ўртасидаги нисбати кўриб чиқиб, муаллиф хорижий банкнинг таъсис шартномасидаги кўплаб масалалар бу – биринчи навбатда, ички тусдаги масалалар ҳисобланиб, айрим ҳолларда таъсис ҳужжатларида маълум ҳаракатларнинг амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка мурожаат, устав капитални шакллантириш тартиби ва ҳоказо) назарда тутилишини таъкидлаб ўтган. Банк фаолиятига оид маълум бир ҳаракатларни тартибини аниқлашда хорижий банкларнинг таъсисчилари (иштирокчи)га тақдим этилган худди шундай ҳаракатларнинг эркинлиги, қоида тариқасида, банкнинг уставида акс эттирилади, чунки айнан устав учинчи шахслар ва иштирокчилар учун кучга эга. Шу билан бир қаторда мавжуд таъсис ҳужжатларининг аксарияти асосий қисмида уставнинг қоидаларини ўз ичига олиб, иштирокчиларнинг ўзаро ва учинчи шахслар билан бўлган муносабатларининг мазмунига нисбатан ҳеч қандай янги қоидани белгиламайди.

МДХ мамлакатлари қонунчилиги кўриб чиқилиб, муаллиф томонидан МДХ қонунчилиги хорижий банкларга нисбатан чет эл банки (Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон), чет эл капитали иштирокидаги банк (Украина), чет эл иштирокидаги банк (Қозоғистон), таъсисчиси чет эл инвестори бўлган банк (Беларусь), хорижий чет эл шўба банки (Қирғизистон) каби атамаларнинг қўлланиши кўрсатиб ўтилган. Мавжуд турли талқинларга қарамадан муаллиф қуйидаги умумий жиҳатларни белгилаган:

– деярли барча мамлакатларда хорижий банклар сифатида чет эл инвесторлари томонидан таъсис этилган шўба банклари тушунилади (фақат Ўзбекистон Республикаси ва Украина Қонунларида хорижий банклар томонидан шўба банкларини ташкил этишга эътибор қаратилади);

– қонунчиликда хорижий банкни шундай деб топиш ва тан олиш мазкур банк ташкил этилган мамлакат қонунчилигига асосан амалга оширилиши белгиланган, шу сабабли хорижий банклар мақомига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ хорижий банк рўйхатдан ўтган мамлакат ҳуқуқи ҳисобланади;

– МДХ мамлакатлари қонунчилиги хорижий банкларнинг фаолиятини миллий банкларнинг ўхшаш фаолияти билан тавсифлайди (жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари ва бошқа қайтариладиган маблағларини жалб этиш, ўз номидан ва ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш, шунингдек мижознинг топшириғига кўра ўтказма ва ҳисоб-китоб ҳамда касса операцияларни бажариш).

Ғарб мамлакатлари тажрибасини (АҚШ, Англия, Германия, Франция) кўриб чиқиб, муаллиф мазкур мамлакатларда хорижий банкларнинг алоҳида субъект сифатида кўриб чиқишга бўлган функционал ёндашув ва банк тизими субъекти сифатида хорижий банклар фаолиятининг нисбатан эркинлиги мавжудлигини кўрсатиб ўтган.

Хорижий банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини таъминлаш мақсадида муаллиф Ўзбекистон Республикаси инвестиция қонунчилиги сингари банк қонунчилиги барқарорлиги тўғрисида қонидани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлигини асослантирган. Банклар акциядорлик жамияти шаклида тузилиши, уларга нисбатан қонунчиликда чет эл инвесторининг улуши камида 15 % миқдорда бўлиши лозимлиги белгиланганлигини инобатга олиб, уларга нисбатан банк қонунчилигига зид бўлмаган қисмида инвестиция қонунчилиги нормаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган. Бу, диссертантнинг фикрича, банк тизимига чет эл капиталини жалб этишнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини белгилашга, хорижий банклар фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадларда муаллиф қонунчиликка қуйидаги мазмундаги нормани киритишни таклиф этади:

«Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари банк фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда қонунчилик талабларини тўлиқ бажарган хорижий банклар ва чет эл капитали иштирокидаги банкларга нисбатан банк фаолиятини амалга ошириш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш

пайтидан бошлаб беш йил мобайнида қўлланилади. Хорижий банкнинг ишўба банки ва чет эл капитали иштирокидаги банк ўз хоҳишларига кўра янги қонун ҳужжатларининг банк фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар».

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг устувор йўналишлари**» номли учинчи бобида хорижий банкларнинг банк хизматлари бозорининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, хорижий банклар фаолиятини инвестиция муносабатлари субъекти сифатида тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини устувор йўналишларини ривожлантиришда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай шароитларни яратишда банклар муҳим ўрин эгаллаши қайд этилган. Айнан кўрсатиладиган банк хизматларининг сифатидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ишонч ҳам ортиб, бу ўзаро муносабатлар самарадорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида банк хизматларини тартибга солиш соҳасида тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги ифодаланган. Ўзбекистон Республикasinинг «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунида банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш банк операциялари каторида кўрсатиб ўтилган. Бирок Қонунда банк хизматлари тушунчаси берилмаган.

Муаллифнинг фикрича, банкнинг банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солишнинг концептуал асослари қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши лозим:

банк хизматларини банк фаолиятини амалга ошириш доирасида банк операцияларини бажариш билан боғлиқ тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган хизматлар сифатида аниқлаш лозим;

банк хизматларини кўрсатишга оид шартномалар аниқ ва турли талқинга олиб келмайдиган мазмунга эга бўлиши, шу сабабли шартномаларнинг матнлари ноаниқ эга бўлмаслиги ва кенг шарҳлаш имкониятини истисно этиши лозимлигини назарда тутувчи қоида ни мустаҳкамлаш лозим;

банк хизматларини кўрсатишда қонунчилик мазмунидан келиб чиқадиган қатор талабларни инобатга олиш зарур – ахборотдан фойдаланиш имконияти мавжудлиги, ахборотнинг тўлиқлиги ва хилма-хиллиги, ахборотнинг сезиларлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши, ахборотнинг ҳаққонийлиги, ахборотнинг солиштириш имконияти мавжудлиги.

Диссертация доирасида инвестициявий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида хорижий банкларнинг мақоми уч нуктаи назардан кўриб чиқилган:

1. Хорижий банклар банк фаолиятига инвестиция киритиш орқали ташиқил этилади.

Ўзбекистон Республикasinинг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги

Қонуни 4-моддаси мазмунига кўра хорижий банклар инвестиция ҳуқуқий муносабатларида банкларнинг ташкил этиш ёки уларинг устав фонди (капитали)да улушдор бўлиш, жумладан, мулк ёки акцияларни сотиб олиш орқали иштирок этишлари мумкин.

2. Хорижий банклар инвестор ва давлат ўртасидаги воситачи ҳисобланади.

Молиявий воситачилик тизимида инвестиция жараёнларини жадаллаштиришда банклар муҳим ўрин эгаллайдилар. Ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Италия, Испания) амалиёти шунини кўрсатадики, чет эл инвесторлари бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётига ўз омонатларини инвестиция киритилаётган давлат учун хорижий бўлган маҳаллий банклар орқали киритадилар.

3. Хорижий банклар инвестиция келишувларининг муҳим иштирокчиси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида инвестиция келишувларининг матнларида инвестицияларни жалб этишда банклар, хусусан, хорижий банклар иштироки тўғрисидаги қоидалар кўрсатилиб ўтилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янада такомиллаштириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси молия-банк тизимининг такомиллаштириш истиқболларини инобатга олиб, диссертантнинг фикрича, банк қонунчилигининг такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий концептуал йўналишларини белгилаш лозим:

Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш (банк соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш, идораларнинг норма ижодкорлигини ваколатларини уларнинг ҳар бирининг юрисдикция доирасини аниқлаш орқали чеклаш);

Ўзбекистон Республикасида хорижий банкларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш («хорижий банклар» тушунчасини аниқ белгилаш, хорижий банкларнинг мамлакат банк тизимидаги иштироки шаклларини назарда тутувчи қоидаларни киритиш, аккредитация муддатини узайтириш);

инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишининг инобатга олиб янги замонавий банк хизматларининг ҳуқуқий тартибга солишининг такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида банк хизматларининг тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиш, интернет ва мобил банкингни ривожлантириш).

Диссертант ифодалаганидек, юқорида қайд этилган йўналишлар комплекс тарзда кўриб чиқилиши лозим бўлиб, бу эса тегишли Банк қонунчилигининг ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилишининг талаб этиб, унинг амалга оширилиши мавжуд ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш ва банк тизимининг такомиллаштиришнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилишининг таъминлайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини назарий-амалий таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ривожланиши ва шаклланиши тарихи уч босқични ўз ичига олиши илк бор тавсифланган:

1) 1991 йилдан 1996 йилгача бўлган давр – Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги вужудга келиши билан тавсифланади;

2) 1996 йилдан 2017 йилгача бўлган давр – банк қонунчилигини такомиллаштириш, хорижий банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан тавсифланади;

3) 2017 йилдан бошланган давр – банк тизимини янада мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни инобатга олиб банк қонунчилигини қайтадан кўриб чиқишни назарда тутди.

2. Хорижий банк чет эл капиталига тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган банк ҳисобланиб, пировард натижада икки бир-бирига боғлиқ манфаатларни кўзлайди:

миллий қонунчилиги юрисдикцияси мазкур банкка нисбатан қўлланиладиган давлат манфаати;

банк фаолияти амалга оширилаётган давлат манфаати.

3. Назарий нуқтаи назардан хорижий банклар фаолияти тушунчаси қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

бу тижорат (тадбиркорлик) фаолиятининг алоҳида кўриниши;

бу чет эл капиталини банк тизимидаги иштирокининг ўзига хос шакли;

бу чет эл юридик шахсларининг фаолияти;

бу банкнинг бошқа мамлакат ҳудудида турли шаклларда амалга ошириладиган фаолияти.

4. Хорижий банкларнинг назарий тушунчаси учта ўзаро боғлиқ тушунчалардан – норезидент, юридик шахс ва тижорат мақсади ташкил топган.

Хорижий банк ва хорижий банк фаолияти тушунчаларидан келиб чиқиб, қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

хорижий банк – хорижий давлат ҳудудида таъсис этилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳамда ушбу мамлакатда банк сифатида тан олинадиган тижорат ташкилоти;

хорижий банклар фаолияти – бевосита банк фаолияти, шунингдек шўъба банкни ташкил этиш ва аккредитациядан ўтган ваколатхоналарни очиш орқали банк тизимида иштирок этишини ўз ичига олувчи норезидент банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти.

5. Юридик адабиётлар таҳлили асосида хорижий банклар тушунчаси ва мақомини аниқлашга нисбатан учта ёндашув – корпоратив,

трансмиллий ва инвестициявий ёндашувлар ажратилган. Инвестициявий ёндашув жуда ҳам истиқболли ҳисобланиб, Ўзбекистон банк қонунчилигига имплементация қилиниши мумкин, чунки кўп жихатдан хорижий банкларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини акс этади.

6. Ўзбекистон Республикаси ФК 1175-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банкларнинг шахсий қонуни ушбу банкларнинг ташкил этиш жойидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари, хусусан, хорижий банкларга нисбатан инкорпорация назарияси қўлланилади.

7. Хорижий банклар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш мақсадида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банклар тўғрисида»ги Қонунига лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан судга бериш ҳақидаги нормани киритиш лозим.

8. Хорижий банклар фаолияти деганда хорижий банкларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан шўъба банкни таъсис этиш, норезидент банк (чет эл капитали иштирокидаги банк)нинг устав капиталда иштирок этиш ва аккредитациядан ўтган ваколатхоналарни очиш кўринишларида банк тизимида иштирок этиши орқали Ўзбекистон Республикасида амалга оширадиган фаолияти тушунилади.

9. Ўзбекистон Республикасида хорижий банкларни ташкил этиш ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарини очишга нисбатан банк қонунчилиги таҳлил қилиниб, икки гуруҳга ажратилди:

а) хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарининг фаолиятига билвосита алоқадор умумий тусдаги норматив ҳужжатлар;

б) хорижий банклар ва уларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналарининг фаолияти масалаларига бағишланган махсус тусдаги норматив ҳужжатлар.

10. Банк қонунчилиги банкларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тартибига оид қоидалардан истисноларни белгиламайди (таъсис ҳужжатларини – таъсис ҳужжати, уставни қабул қилиш, устав капиталини – 100 миллиард сўмни шакллантириш, банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка мурожаат қилиш), бироқ хорижий банкларни ташкил этишга оид қуйидаги шартлар ва талаблар мавжуд:

хорижий банкнинг муассиси Fitch Ratings, Moody's ёки Standart and Poog's агентликларининг таснифлари бўйича юқори кредит ва молия кўрсаткичларига эга бўлган чет эл банклари ҳисобланади;

чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг муассиси чет эл жисмоний ва юридик шахслар (инвесторлардан бири чет эл юридик шахси бўлиши зарур) ҳисобланади, уларнинг улуши ўн беш фоиздан кам

бўлмаслиги лозим.

Банкларнинг ҳуқуқий лаёқати масаласини кўриб чиқиб, муаллиф банк ўз мақомига лицензия олиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши натижасида эга бўлишини қайд этган. Шу сабабли, айтиш мумкинки, юридик шахс банк мақомига лицензия олганидан ва давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг эга бўлади. Демак, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатининг вужудга келиши вақти лицензия олиш вақти ҳисобланади. Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФК 41–моддасига қуйидаги мазмундаги нормани киритиш лозим:

«Юридик шахснинг амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) олиниши талаб этиладиган фаолият турида ҳуқуқий лаёқати мазкур рухсатномани олган пайтида вужудга келади ва рухсатнома олиб қўйилган, амал қилиш муддати ўтиб кетган ёки қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган пайтда тугатилади».

11. Чет эл капитали иштироки қисмида банк қонунчилигини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, банк қонунчилигидаги атамалардаги фарқларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунга хорижий банкларнинг Ўзбекистон Республикаси банк соҳасидаги иштироки шакллари оид қонидани киритиш лозим;

иккинчидан, чет эл капитали иштирокидаги банкларга нисбатан инвестиция қонунчилигини қўллаш лозим, бу эса банк соҳаси ривожланишига, банк тизимида хорижий инвесторларни жалб этишга хизмат қилади;

учинчидан, аккредитациядан ўтган ваколатхоналарнинг фаолиятини аккредитация муддатини уч йилдан беш йилга кўпайтириш, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банкларни ташкил этишда афзалликлар бериш орқали такомиллаштириш лозим.

12. Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш шартли равишда қуйидаги нуқтаи назарлар орқали тавсифлаш мақсадга мувофиқ:

хорижий банкларни ташкил этишнинг шартномавий тартибга солиниши;

хорижий банклар фаолиятини бевосита амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларнинг шартномавий тартибга солиниши.

13. Таъсис шартномаси ва устав:

– хорижий банкни таъсис этадиган ва унга акциядорлик жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини берадиган;

– хорижий банкнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми пайдо бўлишининг юридик факти ҳисобланадиган шартномалар ҳисобланади.

Бунда, қонунчиликда таъсис шартномаси ва устави қоидалари бир-бирига зид келганда хорижий банкнинг устави қўлланилиши тўғрисидаги қонидани киритиш лозим.

14. Хорижий банклар фаолиятини амалга оширишда бевосита вужудга келувчи муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги белгиларга эгаллиги концептуал жиҳатдан асослантирилган:

шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг махсус субъекти – тижорат банклари, айнан хорижий банкларнинг мавжудлиги;

хорижий банкнинг муносабатларини тартибга солишда оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий қоидаларнинг бирга қўлланилиши;

хорижий банклар шартномалари мазмунининг турли талқинда эканлиги;

шартномавий муносабатларда чет эл элементи мавжудлиги.

15. Хорижий банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий тажриба таҳлили қуйидаги хулосаларга келишга имкон берди:

– деярли барча мамлакатларда хорижий банклар сифатида чет эл инвесторлари томонидан таъсис этилган шўъба банклари тушунилади (фақат Ўзбекистон Республикаси ва Украина Қонунларида хорижий банклар томонидан шўъба банкларини ташкил этишга эътибор қаратилади);

– қонунчиликда хорижий банкни шундай деб топиш ва тан олиш мазкур банк ташкил этилган мамлакат қонунчилигига асосан амалга оширилиши белгиланган, шу сабабли хорижий банклар мақомига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ хорижий банк рўйхатдан ўтган мамлакат ҳуқуқи ҳисобланади;

– МДҲ мамлакатлари қонунчилиги хорижий банкларнинг фаолиятини миллий банкларнинг ўхшаш фаолияти билан тавсифлайди (жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари ва бошқа қайтариладиган маблағларини жалб этиш, ўз номидан ва ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш, шунингдек миқдорнинг топшириғига кўра ўтказма ва ҳисоб-китоб ҳамда касса операцияларни бажариш).

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида банк хизматлари тушунчасига таъриф бериб, банк хизматларини банк фаолиятини амалга ошириш доирасида банк операцияларини бажариш билан боғлиқ тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган хизматлар сифатида аниқлаш лозим. Шунингдек, банк хизматларини кўрсатиш давомида тақдим этиладиган ахборотнинг сифат тавсифларини мустаҳкамлаш лозим – фойдаланиш имконияти мавжудлиги, тўлиқлик ва хилма-хиллик, сезиларлик ва ўз вақтида тақдим этилиш, ҳаққонийлик ва солиштириш имконияти мавжудлиги.

17. Ўзбекистон Республикасида ҳудудда фаолият юритадиган хорижий инвесторлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ошган сонини инобатга олиб, мазкур субъектларга нисбатан банк томонидан хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ортади. Бинобарин, чет эл истеъмолчилари (хорижий инвесторлар) билан банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартномаларни тузиш зарурати туғилмоқда. Шу сабабли, заруриятга қараб

шартнома матнини икки тилда, шу жумладан хорижий тилда тузиш мумкинлигини қайд этиш ҳамда мазкур шартномани шаклини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Шу билан бирга, бу тижорат банклардан кенг фойдаланиш имкониятини яратади.

18. Банк назорати бўйича Базель тамойиллари қоидаларининг таҳлили асосида қуйидаги мазмундаги қоидаларни банк қонунчилигига киритиш лозимлиги исботланган:

- хорижий банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз филиалларини очиш имкониятини бериш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банкнинг шўба банкига лицензия беришда хорижий банк фаолият юритаётган мамлакат банк назорати органининг дастлабки рухсатини олиш заруриятини белгилаш.

19. Хорижий банк уставининг танқидий таҳлили асосида хорижий банкнинг уставига хорижий банк ва устав капиталидаги бошқа улуш эгаси ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро низоларни ҳал этиш тўғрисида қоидаларни киритиш лозимлиги аниқланди ва асослантирилди.

20. Инвестиция муносабатларининг субъекти сифатида хорижий банк қуйидаги белгиларга эга:

биринчидан, хорижий банклар молиявий маблағларнинг асосий «ташувчилари» ҳисобланади, чунки кўплаб давлатларда чет эл инвесторлари ўзларининг инвестицияларини хорижий банклар орқали киритадилар;

иккинчидан, хорижий банклар инвестиция муносабатларида молиявий воситачи ҳисобланади (кредитлар ажратиш, банк ва валюта операцияларини амалга ошириш ва ш.к.);

учинчидан, маълум ҳолатларда хорижий банклар инвестиция киритиш субъекти ҳисобланади (бошқа мамлакат ҳудудида шўба банкни ташкил этиш). Мазкур ҳолатда ташкил этилган хорижий банкнинг шўба банки инвестиция фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банклар тўғрисида»ги Қонунига «чет эл капитали иштирокидаги банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан талаблар Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган ваколатхоналарга эга хорижий банкларга нисбатан татбиқ этилмайди» деган қоида киритиш лозим.

22. Банк қонунчилигини, жумладан, хорижий банкларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари банк қонунчилигини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, Ўзбекистон Республикасида хорижий банкларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишини инобатга олиб янги замонавий банк хизматларини ҳуқуқий тартибга солишни

такомиллаштириш. Юқорида қайд этилган йўналишлар комплекс тарзда кўриб чиқилиши лозим бўлиб, тегишли тартибда Банк қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқилиш ва қабул қилиш лозим.

Юқоридагиларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишга имкон бериб, банк секторига хорижий инвестицияларни жалб этишга, шунингдек мамлакат иқтисодиётининг ўсишига хизмат қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 AT THE TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

KHUJAYEV SHOKHJAKHON AKMALJON UGLI

**IMPROVEMENT OF CIVIL-LEGAL REGULATION OF FOREIGN
BANKS' ACTIVITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

12.00.03 – Civil law. Business law. Family law.
International private law

ABSTRACT
of doctoral (Doctor of Philosophy) dissertation on legal sciences

Tashkent - 2019

The theme of the Doctoral dissertation (Doctor of Philosophy) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number № B2018.3.PhD/Yu194.

The dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Informational Educational Portal “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Supervisor: **Rustambekov Islambek Rustambekovich**
Doctor of Science in Law, associate professor

Official opponents: **Samarkhodjayev Batir Bilyalovich**
Doctor of Science in Law, Professor

Imamova Dilfuza Ismailovna
Candidate of Science in Law

Leading organization: **Lawyers’ Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan**

The defence of the dissertation will be held on September 5, 2019 at 14:00 at the Session of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Yu 22.01 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgokh street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation (PhD) is available at the Information-Resource Center of the Tashkent State University of Law (registered under number № 880), (Address: 100047, Tashkent, A.Temur Street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation submitted on August 22, 2019.

(Registry protocol № 4 on August 22, 2019).

N.S. Salaev
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Law, Associate Professor

B.T. Musayev
Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law (PhD)

N.F. Imomov
Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Law, Professor

INTRODUCTION (Abstract of doctoral (PhD) dissertation)

The aim of the research is to develop proposals and recommendations aimed at further improving the civil-legal regulation of foreign banks and improving the efficiency of law enforcement practice in this area.

The objectives of the study are as follows:

characteristics of the concept, principles and essence of foreign banks;
analysis of theoretical and legal approaches to the concept of a foreign Bank and the activities of foreign banks;

research of formation and development of banking legislation of the Republic of Uzbekistan;

to study of the civil law basis for the establishment and termination of foreign banks and their accredited representative offices in the Republic of Uzbekistan;

disclosure of issues of legislative and contractual legal regulation of foreign banks in the Republic of Uzbekistan;

identification of opportunities to implement the positive experience of developed foreign countries in the regulation of foreign banks in national legislation;

improvement of the legal mechanism of regulation of the market of banking services of foreign banks;

to study of the activities of foreign banks as subjects of investment relations;

development of proposals and recommendations to improve banking legislation and law enforcement practice.

The scientific novelty of the research is as follows:

justified the necessity of fixing the rule on clear and accessible statement of contracts concluded between a foreign bank and clients of the bank as a legal requirement;

proved the necessity of fixing the obligation of full and correct explanation of the services rendered to consumers of banking services by foreign banks in the legal norm;

justified the necessity of establishing the responsibility of foreign banks for non-compliance with the minimum requirements established by law, in the implementation of relationships with consumers of banking services;

proved the possibility of participation of foreign banks in the implementation of investment projects as an investment intermediary by financing the activities of foreign companies.

The introduction of research results. On the basis of scientific results of research of questions of improvement of civil-legal regulation of activity of foreign banks in the Republic of Uzbekistan:

the proposal for a clear and understandable presentation of banking services agreements by foreign banks to consumers was reflected in paragraph 3 of the Regulations on minimum requirements for the activities of commercial banks in the implementation of relations with consumers of banking services, approved by the resolution of the Board of The Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2018 № 16/18 (act of the Central Bank of the Republic of

Uzbekistan dated May 30, 2019 № 26-18/209). This proposal served to increase the availability of banking services agreements concluded by foreign banks;

the proposal on the need for a full and correct explanation by foreign banks to consumers of the services provided by the Bank was reflected in paragraph 8 of the Regulations on minimum requirements for the activities of commercial banks in the implementation of relations with consumers of banking services, approved by the resolution of the Board of The Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2018 № 16/18 (act of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated May 30, 2019 № 26-18/209). This proposal served to improve the quality of services provided by foreign banks;

the proposal on bringing foreign banks to responsibility in accordance with the established legislation for violation of the requirements of the provision on minimum requirements for the activities of commercial banks in the implementation of relations with consumers of banking services is reflected in Chapter 6 of the Regulations on minimum requirements for the activities of commercial banks in the implementation of relations with consumers of banking services, approved by the resolution of the Board of The Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2018 № 16/18 (act of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated May 30, 2019 № 26-18/209). This proposal served to increase the responsibility of foreign banks in relations with consumers of banking services and the establishment of appropriate measures of responsibility;

the proposal to provide foreign companies with funds in the form of direct investments, including through the participation of foreign banks was reflected in article 2 of the Memorandum of understanding between the State Committee of the Republic of Uzbekistan on ecology and environmental protection, the Khokimiyat of the Fergana region and the company “Sejin G&E Co., Ltd” (South Korea) dated May 14, 2018 (act of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on ecology and environmental protection dated June 14, 2018 № 02-01/8-1343). This proposal served to ensure the participation of foreign banks in attracting investments, financing the activities of foreign companies.

The structure and volume of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, list of references and appendices. The volume of the dissertation is 148 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Хужаев Ш.А. Правовое положение иностранных банков в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: ТГЮУ, 2019. – 152 с.

2. Хужаев Ш.А. Правовые основы создания иностранных банков в Республике Узбекистан // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Гражданское общество – Uzbekistan law review // 2018, № 1. – С. 52-54. (12.00.00 №9).

3. Хужаев Ш.А. Особенности законодательного регулирования иностранной банковской деятельности в странах СНГ // Вестник юридических наук // 2018, № 2. – С. 94-97. (12.00.00 №20).

4. Хужаев Ш.А. Иностранные банки как субъекты инвестиционных отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Обзор законодательства Узбекистан – Uzbekistan law review // 2018, № 2. – С. 59-60. (12.00.00 №9).

5. Хужаев Ш.А. Правовые аспекты взаимоотношения банка с клиентами: опыт Республики Узбекистан // Право и жизнь // 2018, № 2. – С. 95-100. (12.00.00 №18).

6. Khujaev Sh.A. Judgements under the Law of the Republic of Uzbekistan “On banks and bank activity” in the new edition // International Journal of Legal Studies // № 2 (4). 2018 – P. 295-301. (Index Copernicus Value – 60.2).

7. Khujaev Sh.A. Legal bases of accreditation or representation of foreign banks in the Republic of Uzbekistan // American Journal of Research // № 11-12, November-December, 2018 – P. 194-197. (Impact factor – 5.069).

8. Хужаев Ш.А. Концептуальные вопросы совершенствования банковского законодательства // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан // 2019, № 1 (142). – С. 53-56. (12.00.00 №10).

9. Хужаев Ш.А. Некоторые вопросы правового регулирования деятельности филиалов иностранных банков в Республике Узбекистан // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Обзор законодательства Узбекистан – Uzbekistan law review // 2019, № 1. – С. 65-67. (12.00.00 №9).

10. Khujaev Sh.A. Concept of the new banking law of the Republic of Uzbekistan // Science, research, development #8. Economy/ Management. State and Law // Monografia pokonferencyjna. – Berlin, Germany, 2018. – P. 65-67.

11. Хужаев Ш.А. Legal basis of foreign banks’ activity in the Republic of Uzbekistan // Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения // Сборник статей по материалам XV Международной научно-практической конференции. № 9 (15) – М., Изд. «Интернаука», 2018. – С. 60-64.

12. Хужаев Ш.А. Совершенствование правового регулирования института банковских услуг в Узбекистане // Бизнес и инновации: правовые вопросы и решения // Сборник материалов республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2018. – С. 191-196.

13. Хужаев Ш.А. Снижение коррупционных рисков при взаимоотношении Центрального банка Республики Узбекистан с иностранными банками // Правовые аспекты противодействия коррупции и легализации доходов, полученных от преступной деятельности // Сборник материалов республиканской научно-практической конференции. – Т.: Изд-во ТГЮУ, 2019. – С. 102-105.

II бўлим (II часть; II part)

14. Khujaev Sh.A. Principle of peaceful resolution of the international commercial disputes // “Science and practice: a new level of integration in the modern world” // International Conference proceedings // May 5, 2016, Sheffield, United Kingdom. – P/ 24-28.

15. Хужаев Ш.А. Сотрудничество государств по оказанию правовой помощи при исполнении судебных решений по международным коммерческим спорам // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Гражданское общество – Uzbekistan law review // 2016, № 2. – С. 84-86. (12.00.00 №9).

16. Хужаев Ш.А., Ахунджанов Э.П. Сущность и характерные черты международных коммерческих споров // Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди ахборотномаси // 2016, № 7. – С. 79-83. (12.00.00 №3).

17. Хужаев Ш.А. Принцип мирного разрешения международных коммерческих споров // Суд-хуқуқ ислохотлари шароитида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2016. – С. 203-211.

18. Хужаев Ш.А., Рустамбеков И.Р. Особенности гражданского судопроизводства Республики Узбекистан по делам с «иностранном элементом» // Вестник Международного юридического института. Научно-практический журнал // 2016, №3 (58). – С. 15-24.

19. Хужаев Ш.А. Примирительные способы разрешения международных коммерческих споров: анализ типового Закона ЮНСИТРАЛ // Проблемы современной юриспруденции // Сборник научных статей студентов, магистрантов и аспирантов // Душанбе, Республика Таджикистан, 2016. – С. 126-131.

20. Хужаев Ш.А. Особенности рассмотрения международных коммерческих споров в хозяйственном суде Республики Узбекистан // Современная магистратура: научные результаты и практика обучения // Материалы III Международной научно-практической конференции // Российская Федерация, 2017. – С. 71-73.

21. Хужаев Ш.А. Особенности определения применимого права в международном коммерческом арбитраже при разрешении внешнеэкономических споров // Актуальные вопросы правового регулирования внешнеэкономической деятельности // Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции // Ташкент, 2017. – С. 232-235.

22. Хужаев Ш.А. Проблемы признания и исполнения иностранных судебных решений в Республике Узбекистан // Иқтисод ва ҳуқуқ. Ҳуқуқий ва илмий нашр // 2017, № 7. – С. 68-73. (12.00.00 №3).

23. Хужаев Ш.А. Теоретико-правовые подходы к определению иностранных банков // Совершенствование правовых механизмов привлечения иностранных инвестиций в экономику Республики Узбекистан // Сборник научных статей по материалам Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2019. – С. 102-106.

24. Khujaev Sh.A. Foreign bank's activity in the Republic of Uzbekistan: legal issues // Science, research, development #17 // Monografia pokonferencyjna. – Belgrade, Serbia, 2019. – P. 357-360.

Автореферат «Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили» журнали таҳририятида
таҳрирдан ўтказилди (15.08.2019 йил).

Босишга рухсат этилди: 16.08.2019
Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулда босилди.
Шартли босма табоғи 3,25. Адади: 100. Буюртма: № 51

100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмаҳонасида чоп этилди.